

# ШАРТНОМА № 1

2022 йил 20 январь

Навбахор тумани

Навоий вилоят болалар фтизиатрия сихатгохи номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ниёзов Боймурод Абдуллаевич (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва "Kids Kitchen Group" МЧЖ (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи рахбар Нарзиева Г.К. ушбу шартномани туздилар.

## I. Шартнома предмети

- 1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачининг **Озиқ-овқат маҳсулотлар тайёрлаб бериш** (аутсорсерга ўтказилган хизмат номи) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.
- 1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «\_\_» Январдан

2022 йил «\_\_» декабр гача

- 1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

## II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

- 2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:
  - 2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;
  - 2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;
  - 2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;
  - 2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;
  - 2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;
  - 2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;
  - 2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.
- 2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:
  - 2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;
  - 2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси, санитария ҳамда фитосанитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши ва уз жавобгарлигига олиши;
  - 2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;
  - 2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;
  - 2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;
  - 2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;
  - 2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувиغا олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;
  - 2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;